270596

КОРХОНА ДЎКОНИ

• ФАРҒОНА. Бу ердаги механика заводи халқ истеъмоли моллари сотадиган ўз дўконларини ташкил қилмоқда. Фарғона аэропорти рўпарасидаги шу корхона маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон пештахталарида болалар аравачаси, велосипедлар, стол ва стулчалар, бошқа рўзғорбоп буюмларни кўрасиз. Яқинда ҳам фақатгина тўртбеш хил номдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бу корхона жамоаси шу кунларда 50 хилдан ортиқ шундай моллар ишлаб чиқаряпти.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҚЎҚОН КЎЧА ФАЙЗЛИ БЎЛАДИ

• НАМАНГАН. Мустақиллик шаҳар кўчаларига ҳам файз ва ўта чирой бағишламоқда. Яқинда яна бир хайрли иш бошланди. Қўқон кўчаси қайта қурила бошланди. Кўчани ободонлаштириш учун бу ерда яшовчи 120 хонадон эгаларига Оромгоҳ мавзесидан олти сотихдан ҳовли ери ажратилди ва ер олганларга ташкилотлар боғланди. Бу ташкилотлар соҳибнинг хоҳишига қараб, янги уйлар қуришда кўмаклашадилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.



ШОФИРКОН БУТУНЛАЙ ЎЗГАРМОҚДА

• БУХОРО. Шофирконга шаҳар мақоми берилганига кўп бўлгани йўқ. Ўтган ойлар мобайнида шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгарди. 6 та маҳалла таркибидаги 41 та кўчада, хиёбонларда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бажарилди. 3,5 километрлик сув йўли таъмирланди. «Мустақиллик байрамигача Шофиркон вилоятдаги шаҳарлар билан бўйлашадиган даражага етади», — деб таъкидлади шаҳар ҳокими Шарофиддин Тошев.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР САБОҚ ОЛИШДИ

• ХОРАЗМ. Хеванинг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳарнинг тарихи ва бугунини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган уч кунлик ўқув бўлди. Бу тадбирда газеталар, вилоят телевидениеси ва радиоси журналистлари иштирок этдилар. Германиядаги йирик муассасалардан бири — Конрад Аденауэр жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбир «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришда журналистиканинг аҳамияти» мавзуига бағишланди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ҚИШЛОҚДА ҲАМ ШАҲАРДАГИДЕК

• СИРДАРЁ. Ховос тумани маркази Гулбаҳор қўрғонида 1020 абонементга хизмат қилиш қувватига эга бўлган янги автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Абдужалил УМАРОВ.

«ЭЛТЕКС»НИНГ САРИБИЙ ФИЛИАЛИ

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Элликқалъа туманидаги «Сарибий» фермерлар уюшмаси раҳбарияти аҳолини иш билан таъминлаш, халқ истеъмоли молларини кўпроқ ишлаб чиқариш мақсадида маъмурий биноидоранинг ярмини бўшатиб, таъмирлаб, «Элтекс» қўшма корхонасининг филиалини очиб берди. 15 та агрегат қўйилди. 2 сменада 38 хотин-қиз ишламоқда. Улар эркаклар кийимлари — куртка, шим, сорочка, жакетлар, фуфайкалар ҳамда мактаб болалари кийимларини ишлаб чиқармоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 23 май, пайшанба № 62 (21.983).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

СУРАТДА: Дўрмон қароргоҳида Латвия Президенти Г. Улманисни расмий кутиб олиш пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, ҳозир Латвиянинг 20 дан зиёд ҳиссадорлик жамиятлари, фирма ва компанияларининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётгани, Ўзбекистон-Латвия қўшма корхоналари сонининг тобора ортиб бораётгани фикримиз далилидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Латвияга ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорлик ривожи учун муҳим ҳуқуқий асос яратди.

22 май куни Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Латвия Президентига йирик тадбиркорлар ва журналистлар гуруҳининг ҳамроҳ бўлиб келгани ушбу ташрифнинг ўзаро ҳамкорлигимиз истиқболларини белгилаш, қолаверса, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда муҳим ўрин тутишидан дарак беради.

Латвия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Юксак мартабали меҳмонга миллий либосдаги қизлар анвойи гуллар тақдим этди. Автомашиналар карвони Латвия ва Ўзбекистон давлат байроқлари ҳилпираб турган Тошкент кўчалари бўйлаб Дўрмондаги қароргоҳ сари йўл олди.

Дўрмондаги қароргоҳда Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманисни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шоҳсупага кўтарилдилар. Латвия ва Ўзбекистон давлат мадҳиялари янгради. Президент Гунтис Улманис ва Президент Ислом Каримов фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг яккама-якка суҳбати бўлди. Икки давлат раҳбари ўзаро суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ баъзи масалалар юзасидан фикрлашдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни АҚШнинг «Кейс» корпорацияси вице-президенти Леополд Платтнерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига АҚШ компания ва фирмалари алоҳида ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

— Ҳамкорликнинг амалий жараёни ҳар икки томоннинг имкониятлари билан танишишдан бошланади, — деди Президент Ислом Каримов жумладан. — Шу маънода «Кейс» корпорациясининг илғор технологияси ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти самарали ҳамкорлик истиқболини таъминлаши шубҳасиз.

Суҳбат чоғида қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологиясини ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» 1996 йил 3 январдаги 6-сон қарорига мувофиқ:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг:

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига Калон масжидини таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва якунлаш;

таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлашда Ўзбекистон мусулмонлари идораси — 20 миллион сўм, Маданият ишлари вазирлиги — 40 миллион сўм, Бухоро вилояти ҳокимлиги, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ҳамда хусусий шахслар — 46 миллион сўм миқдорида улуш қўшиб қатнашишлари;

Калон масжидини таъмирлаш тугаллангандан кейин масжидни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги балансидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси балансига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда Калон масжидини Ўзбекистон мусулмонлари идораси балансига ўтказиш тартиби тўғрисида келишилган таклифларни бир ой муддатда киритсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг «Ўзтаъмиршунослик» институтига Калон масжидини таъмирлашга оид лойиҳа-смета ҳужжатларини бир ой муддатда тайёрлаш топширилсин ва мазкур институт — бош лойиҳаловчи;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси — буюртмачилар;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзагроқурилиш» давлат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар — бош пудратчилар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ишларни таъминлаш учун республика бюджетидан 40 миллион сўм ажратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, тегишли ҳокимликлар ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда давлат мулки ҳисобланадиган ва унинг муҳофазасида бўлган республика диний биноларини Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бериш ҳамда улардан мазкур идора томонидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 23 февралдаги 56-р-сон фармойиши (Калон масжиди масалаларига оид қисми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри,
1996 йил 22 май.

ВАЗИР БИЛАН ЎҚУВЧИ БАҲСИ

Бизнинг шарҳ

Баъзан айрим илмий-амалий учрашувларга одамнинг оёғи тортмайди. Ноилож бошланишини кўрасизу кейин. ... Чунки танланган мавзу четда қолиб, ҳаммага маълум гаплар такрорланади. Куни кеча Халқ таълими вазирлигининг республика таълим илмий методик марказида ўтказилган йиғилиш ҳеч кимни лоқайд қолдирмади.

Одатда мактабларда ўқитилаётган дарсликларнинг савияси ва сифати хусусида кўпинча муаллимларнинг ўзларидан сўраларди. Бу гал анъана «бузилди»: адабиёт дарсликлари муаллифлари билан ўтказилган мулоқотга ўқувчилар таклиф қилинди. Бу, ҳеч муболағасиз, учрашувга файз киритди.

Аввалига республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мактаблардаги аҳвол ва дарсликлар ҳақида қуйиниб гапирди. У кишининг қуйидаги сўзлари кўпчиликни ҳушёрликка чорлади десак муболаға бўлмас: «Мен бир нарсадан хавотирдаман. У ҳам бўлса болаларимизга тил ўргатиш масаласида нотўғри йўл танлаяпмиз. Ҳозир боғча ёшидаги болани чет тилларни, айниқса инглиз тилини ўрганишга мажбурлаш русумга айланди. Энди ўйланг, ўз она тилига зўрға тили айланаётган гўдак қандай қилиб бошқа тилни қабул қилади. Энг аввало ўзбек тилини ўргансин, кейин бошқасини эгалласа арзийди».

Шундан сўнг ошкора мулоқот бошланди. Таниқли олимлар Нусратилло Жумаев, Қозоқбой Йўлдошев, Умарали Норматов, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов ҳамда пойтахтдаги мактаблар ўқитувчилари ва бошқалар адабий таълим соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар хусусида баҳс юритдилар. Шу ўринда уларнинг айрим мулоҳазаларига эътибор берайлик. Қозоқбой Йўлдошев: «Зўр дарслик тайёрлаш яхшию, лекин зўр ўқитувчи тайёрлаш унданда муҳимроқ», «Биз кўпинча асарлардан ялангоч маъно излаймиз. Бу ўқувчиларимизнинг руҳиятини ўстирмайди, аксинча ўтмаслаштиради. Қалби уйғонган болада тафаккур ўсади, дунёни ўзича кашф қилади».

Салтанат Ўринбоева: «Шоҳ Эдип»ни 7-синфда ўтяпмиз. Тўғриси, бизнинг ўзимиз бир замонлар бу асарни саҳнада кўриб йиғлаганмиз. Лекин ҳозир унинг мазмунмаъносини ўқувчиларга қандай етказишни билмаяпмиз. Асар миллий маънавиятимизга тўғри келармикан?».

Шарофат Тошмирзаева: «Юқори синф адабиёт дарсликларига «Қуръони карим» сабоқларидан киритилса жуда яхши бўларди. Чунки бу пайтда болаларнинг руҳи айни уйғонаётган бўлади...»

Ижодий учрашувда ҳамма ўз юрагидаги дард-туйғусини айтгиси келди. Чунки давраборо мулоқот бошланишидаёқ бу гурунгнинг расмий йиғин эмаслигини ва режа асосида олиб борилмаслигини ҳам билдирган эди-да. Шунинг учун ўқувчилар ҳам томошабинлик қилишмади. Билмаганларини сўрашди. Айниқса...

Лутфий номидаги 254-иқтидорли болалар мактаби ўқувчиси Марҳабо Қосимованинг дарсликлар ва шу жумладан тест саволлари ҳақидаги мулоҳазалари кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Бир лаҳзалик жимликни вазирнинг ўзи бузди: «Келинглар, мен ўзим шу қизимизнинг саволларига жавоб берай. Мана мен Америкада бўлганимда айтишди. Уларнинг мактабларида тўрт марта тест синовлари ўтказилар экан. Ҳаммасидан муваффақиятли ўтганлар тўғридан-тўғри талабаликка қабул қилинар экан. Бизда эса ҳали бу соҳада кўп ишлашга тўғри келади».

Яна кўп саволлар берилди. Дарслик муаллифлари янги нашрларда бу фойдали таклифларни эътиборга олиши лозимлиги айтилди. Энг қувончлиси, вазирнинг ўқувчилар билан бўлган баҳс-мунозарасидан кўнгиллар тўлди.

Норқобил ЖАЛИЛ.

ИРОҚ ВА БМТ

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти ва Ироқ нефть савдо-сотиқ қилиш ҳақидаги шартномага имзо чекдилар. 6 йиллик халқаро чеклаш тадбирларидан кейин Ироқ аҳолиси биринчи марта нефтни четга сотишга рухсат олди.

КАТТА ЙЎЛЛАР ТЎСИЛДИ

БАНГЛАДЕШ Президенти Абдур Раҳмон Бисвас бош ҳарбий қўмондонни ишдан бўшатгандан кейин ҳарбий қўшинлар мамлакат Президентини алоҳида тартибда қўриқлашга шошилдилар. Лекин гувоҳларнинг айтишича, чекка шаҳарлардаги қўшинлар таркибидагина хавотирлик белгилари кўринар эди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲАЙРАТДА

ЭКВАДОРда бўлиб ўтган биринчи давра сайловларидан сўнг иккита голиб бир-бири билан юзма-юз баҳслашадиган бўлди.

ТИНЧЛИК ТАКЛИФИ

ИРЛАНДИЯ сиёсий ҳомийси Син Фейн қурол ва зўравонликни қонун кучидан маҳрум этишдан иборат бўлган Америка таклифларини қабул қилди. Шунга қарамай, тинчлик музокаларида иштирок этишнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайди Дублин ва Вашингтон томонлари.

МОЛ ГЎШТИДАН ВОЗ КЕЧДИ

ЕВРОПА Ҳамжамияти ветеринария қўмитаси Британия мол гўштини четга чиқариш таклифини рад этди.

МАФИЯ ОДАМИ

СИЦИЛИЯ мафиясининг қидирилаётган деб ҳисобланаётган машҳур вакили Жиованни Бруска Палермода қўлга олинди, деб хабар беради Италиянинг «Анса» ахборот маркази.

ТАНАСИНИ МАЙДАЛАБ ЁҚДИ

ЛИБЕРИЯда Этник Кран тинчлик ўрнатиш ниятида Жанубий Африка элчилари ташрифи олдидан мамлакат пойтахти марказида босқинчилар танасини майдалаб, бўлиб ёндириб ташлади.

1996 йил — Амир Темур йили

ВОРИСЛИК ГАВҲАРИ

Буюк бобокалонимиз Амур Темур ҳазратлари мамлакат озодлиги йўлида фақат ҳарб-зарб ишлари билан машҳур бўлмаганлар. Жисми жони, зеҳн-идроки юрт ободлиги, улус саломатлиги, насл тозалиги, савдою ҳунармандчилик равнақига ҳам бахшида этганлар. «Ҳар ернинг табиати, ҳар ернинг ва шаҳарнинг расми одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим», — дея гувоҳлик берадилар «Тузуклар»да. Халқаро «Экосан» жамғармаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги улуғ соҳибқирон таваллудига бағишлаб ташкил этган «Улуғ Темур, табиат ва инсон» халқаро анжумани биз тинчлик ва маънавий мерос ворислари эканимизни, уни ўрганганимиз сари тавҳардек тозариб бораётганимиздан нишонадир.

Соҳибқирон юрти — Шаҳрисабзда ўтказилган бу халқаро анжуманда олимлар, тадбиркорлар, журналистлар, табиат жонкуярлари ва хорижий мамлакатларнинг элчилари иштирок этдилар. Анжуманни вилоят ҳокими, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати О. Парманов табрик сўзи билан очди. Халқаро «Экосан» жамғармаси раиси Ю. Шодиметов, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, академик Б. Аҳмедов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров, Урмончилик давлат қўмитаси раиси А. Ҳоназаров ва бошқаларнинг маъруза ҳамда мулоҳазалари анжуман қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАРАДДУД

Нуқусда буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш буйича республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси С. Авезматов олиб борди. Соҳибқирон таваллудини муносиб нишонлаш буйича белгиланган тадбирларнинг қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида республика Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари А. Тожибоев маъруза қилди. Шунингдек, фикр алмашувда Узбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими президиуми раиси, академик С. Камолов, Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И. Юсупов, республика маданият ишлари вазири Н. Муҳаммадинов ва бошқалар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Буюк соҳибқирон ҳақида бадиий адабиётлар, плакатлар чиқариш, Амир Темур ҳақида энг яхши мақола, очерк, публицистик асарлар учун қурик-танлови ўтказиш белгиланди. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда адабий учрашувлар, кечалар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот чорраҳаларида

ОСОНЛИКЧА ОЁҚҚА ТУРМАДИ

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Умид» хусусий фермер хўжалигининг бошлиғи Имомали НАЗАРОВ билан мулоқот

Ҳозир илғорлар сафидан ўрин олган «Умид» осонликча оёққа турмади. Унинг иқтисодий қудратини ошириш учун озмунча тер тўкилдими? Ҳар куни, ҳар соатда бош қотиришга, қаршиликларни енгишга тўғри келди. Фермер хўжалигининг илк пойдеворини қўйган раҳматли Турдиали ота Назаров орзу қилганидек «Умид» оғизга тушди. Эл-юрт унинг маҳсулотидан баҳраманд энди...

— Имомали, ўтган йил сизлар учун иқтисодий юксалишнинг бошланиш йили бўлганди...

— Юксалишнинг — дастлабки пиллапояларига эришдик дея оламан. Давлатга 98 тонна сут, 5 тонна гўшт, 90 тонна сабзавот етказиб бердик. Ҳар бош сигирдан 3800 литрдан сут олишга эришдик. Бironта мол мажбурий сўйилмади, нобуд бўлмади. Қишлов учун 500 тонна силос, 112 тонна беда пичани, 20 тонна somon, 16 тонна аралаш дон ва 100 тонна омухта ем жамғарилганди. Фермер хўжалиги қошида гўшт дўкони, озиқ-овқат, салқин ичимликлар ва музқаймоқ, деҳқончилик дўконлари очилди. Сутни оддий сепараторларда, маҳаллий усулда қайта ишлаб, қатиқ, қаймоқ, сариёғ қилиб сотмоқдамиз. Йилни давлат банкларидан, бирор-бир корхоналардан қарзсиз якунлаганимизниям айтай.

— Сиз 1991 йилгача давлат, кейин эса шахсий фермер хўжалигида ишлагансиз. Давлат тасарруфидаги ва хусусий мулкдорлик ўртасидаги фарқ нимада?

— Илгари давлат жамоа хўжалигида моллар давлатнинг ишлаб чиқариш режаларини бажаришда «фаол» қатнашар эди! Бунинг устига ҳар бир фермада раис, зоотехник, бухгалтер, ветврачнинг «арзанда моллари» бўларди.

Фермага келаётган омухта ем молларнинг учдан бир қисмигагина тегарди. Бугун у, эртага бу хўжайинга ўт, ем тинимсиз кетар, катталарнинг уйида ишлаган техниками, сарф бўлган қурилиш материалларими, қўй-эчки, сигир ҳисобидан гум бўлган. Бу — ортиқча харажат айланиб-ўргилиб бечора деҳқон, чорвадорнинг чўнтагидан кетарди. Бу ишга қарши чиққанлар ўз вазифасидан четлатилган. Шахсан мени ҳам шу туфайли ўз вазифамдан туҳмат, «ёз-ёз»лар билан бўшатишди. Умидсизланиб юрган чоғларимда юртбошимиз томонидан фермерлик ҳаракати тўғрисида Фармон эълон қилинди. Биз ишлайдиган вақт келди, деб, 1991 йил иш бошладик.

Хусусий мулкчиликда мулк ўзимники. Ҳеч ким халақит бермайди. Ҳатто илгари ўт, ем сўраб юрган катталар, танишбилишлар ҳам ўзларини тортиб қолишди. Бирор одам еримизга, жамғарган озуқамизга кўз олайтирмайди. Бир куни денг, атрофимиздаги ўқитувчи ўғлига: «Бор комбайнлар беда ўряпти, молларга олиб кел, деса», ўғли: «Дада, у Имомали фермернинг ери. Мумкин эмас, ўзиники», — дебди. Мана, ёшларнинг мулкдорликни ҳис этиши!

— Сизни ислоҳот йўлида нималар қувонтиради-ю, нима ташвишга солади?

— Қувонтираётгани — юртимизда ислоҳот туфайли — мулкдорлар синфи кенгаймоқда. Кўп корхоналар, иншоотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳақиқий эгаси қўлига ўтмоқда. Ер ўз эгасини топяпти. Ислоҳот натижасида боқимандалик, тўрачилик, исрофгарчилик, таниш-билишчилик ва бошқа «лик-лик»лар емирилмоқда. Барча Фармон, қарорларнинг халқ учун, келажак авлод учун хизмат қилаётгани кишини қувонтиради.

1994 йил бошида америкалик фермерлар ўзбекистонлик фермерларни Тошкент аграр университетида ўқитди. Уларнинг иш фаолияти олинган видео тасвирда фермерлик технологияси, агрегатлар, кичик цехлар, компьютерларини кўриб лол қолганларим бўлди. Шунда мен америкаликка «Сизлар шу даражага бир-икки йилда етиб келмагандирсизлар. Фермерлик ҳаракати тўғрисида гапириб берсангиз», дедим. Шунда улар жуда хира видео тасвир қўйиб беришди. Унда фермер ерга гўнгни этакда, қўл билан сепиб юрибди.

— Бизда, — дейди улар, — 200 йил аввал фермерлик ҳаракати бошланган. Бу ютуқлар икки асрлик машаққатли меҳнат мевасидир. Сизларда, Ўзбекистонда эндигина икки йил бўлди. Ҳеч қайси ривожланган давлатда, ҳатто бизнинг Америкада ҳам фермерларга, тадбиркорларга сизлардек ҳукумат, Президент томонидан кенг имтиёз, ёрдам, эътибор берилмаган ва берилмайди ҳам. Сизлар бу борада Президентингиздан, давлатингиздан фахрланинглар. Биз узоқ йилда босиб ўтган йўлни ва шу даврда эришилган ютуқларни сиз, ўзбекистонликлар оз муддатда эгаллайсизлар.

Германияда бўлганимда ҳам ишбилармонлар, тадбиркорлар, фермерлар юқоридаги фикрни билдиришди. Энг ривожланган давлатлар ёш Ўзбекистонни расман тан олиб, унга қизиқиши, юртбошимиз сиёсатининг қўллаб-қувватлаётганини кўриб, қувониб кетаман!

Нима ташвишга солаётганига келсам, ҳали ҳам баъзи жойларда кўп соҳаларни бўртириб кўрсатишлар, қилинмаган ишларни қилинди, деб хўжалик, корхонанинг номини ўзгартирибгина, сонини кўпайтириб юқорига нотўғри маълумот беришлар, ҳақиқий аҳволни тадбиркордан сўрамай, ҳамма нарсани «силлиқлаб» кетувчилар борлиги ташвишга солади. Шу боис чорвачилик маҳсулотлари кескин камаймоқда ва қимматлашмоқда. Чунки чорва фермалари хусусийлаштирилсин, дейилди. Бу уқувсиз раҳбарларга аслида ёқмайди. Шунинг учун сотилди-ю, қутулдик, деб на ем-хашак билан, на бошқа нарса билан ишлари бўлмай қолди. Бизда айрим жойларда ер вақтида эгасига етмади. Ёки ҳам узоқ, ҳам тошлоқ ерлар берилди. Носоз техникалар ажратилди. Тайёрлов, қабул қилиш пунктлари, айниқса, консерва заводи ишлари ташвишга солади. Деҳқон тер тўкиб етиштирган маҳсулотини югуриб-елиб, икки қўллаб арзон нархда топширади ва ўз вақтида пулини ололмайди. Ҳукуматимиз томонидан нақд пул масаласи назоратга олиниши ва қонунлаштирилиши бу «акахон»ларни анча ҳовуридан пасайтириб қўйди.

Яна бир нарса ташвишлантиради. Бечора фермерларга 1995 йил бирор кило ҳам шулха-кунжара берилмади. Туман матлубот жамиятининг ёрдамчи хўжалиги билан ёнма-ёнмиз. Уларнинг 100 гектар ери бор. Энг сувнинг боши. Лекин ерга умуман қаралмайди. Куйиб, қақшаб ётади. Биз сув кечиб юрганимизда қатор-қатор тракторларда шулхалар кўзимизни куйдириб ўтади. Бу кўролмаслик эмас. Тақсимотчилар савдогарларнинг пешоналарини силаб, дангаса қилиб қўйганини-ю, ернинг уволига қолишаётганини айтяпман, холос.

— Гапларингизда тушкунлик аломати бордай. Очиқ айтинг, келажакдаям фермерликни давом эттирмоқчимисиз ё чарчадингизми?

— Иккиланишга ўрин йўқ. Энди ортга қайтмаймиз. Асосан фермер хўжалигимнинг тармоқ соҳаларини кенгайтириш, ривожланган давлатлардаги даражага чиқариш орзусидаман. Чорвачилик, деҳқончилик маҳсулотларининг сифатини, миқдорини кўпайтириш ва халқ бозорини сероб қилишга бундан кейин ҳам ўз ҳиссамни қўшиш ниятим бор.

Суҳбатдош: Курбон ЭШМАТОВ.

ЖУРНАЛИСТ ФЕРМЕР БЎЛДИ

Шўрчилик ҳамкасбимиз Очил Хонназаров туман газетасида ишларди. Бир зоотехникнинг ношудлигини фельетон қилиб дакки эшитди. Колхознинг раиси унинг ёқасидан олди: «Ёзиш — осон, —деди. — Бировни фельетон қилиб ёзиш менинг ҳам қўлимдан келади. Фельетон тугул... роман ёзоламан. Ишлаш қийин, — деди. — Уйингда бир бузоқ боқолмайсану, яна мингта сигирни эплаб боқаётганларни ёзасан. Фельетон ёзган қўлларингни андавалаб ташлайман», — деди.

Ах, ўшанда, «ў, раис, озроқ шаштингиздан тушинг», деган одам чиқмади.

Бир чимдим маошу бир дунё можароларга қаноат қилавериб косасидан олдин сочлари оқарган мухбир жонажон касби билан хайрхуш қилди. Қайсидир бир корхоналарда ишлади. Ва худо муяссар кўрган яхши кунларнинг бирида хўжаликдан озроқ ер олди-ю, фермер бўлиб кетди. Мол боқа бошлади.

Ўша зўгумкаш раис адашган экан! Адашгани шуки, журналистнинг қўлидан фақат ёзиш эмас, иш ҳам келар экан. У мол боқди. Молни кўпайтирди. Саккиз қорамоли уч-тўрт йилда 50 бошга кўпайди. Майда молини 180 бошга етказди. Қўраларида от кишнайдиган бўлди. Бултур давлатга 37 тонна сут, 22 тонна гўшт топширди.

— Ўғилларим Алишер, Одил меҳнатга қобил чиқишди. Шунга шукр қиламан, — дейди Очил ака. — Рўзғор бут. Колхоз биздан қарздор бўп турипти, ҳатто етмиш минг... Ишлаган тишлайди-да!

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаёт билан ҳамнафас

ҲАММАСИ – СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

БУХОРО (мухбиримиздан). *Ғиждувон туманидаги бюджетдан таъминланадиган ўнлаб боғчаларда меҳнаткашларнинг юзлаб болалари тарбияланишади. Серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида туман ҳокимлигининг қарори билан бундай муассасаларда ишловчи ота-оналар боғчаларга тўланадиган тўловлардан бутунлай озод этилдилар.*

Бу харажатлар бюджетнинг даромадлар қисми ошириб бажарилиши ҳисобидан қопланади. Мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжаликлари энди мазкур имтиёзга эга бўлганларга кетадиган харажатни бевосита ўзлари излаб топадилар.

КЕНГАШ ҲИСОБ СЎРАДИ

Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши депутатлар билан мунтазам алоқа боғлаган. Партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида «Узбекистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Маматвали Тургунов билан «Дўстлик»савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Муҳаммаджон Обидовлардан депутатлик ишлари юзасидан ҳисоб сўралди. Улар фаолияти таҳлил этилди, камчиликлари айтилди., келгуси ишлари учун йўл-йўриқлар берилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШАББУСИ ҚУВВАТЛАНГАН ЎСАРБОЙ

Ўсарбой Ўрмонов бир неча йилдан буён Андижон шаҳридаги Тожик маҳалла қўмитаси раиси. У кўпчиликнинг яхши кунларига ҳам, ташвишли дамларига ҳам шерик. Шу боис маҳалланинг каттаю кичиги ҳурмат қилади. Маҳалладаги ҳаётий муаммоларнинг ечимини топишда ҳамкору-ҳамнафас бўлади.

Кўпга бош бўлаётган Ўсарбой яқинда ҳудудий бошланғич партия ташкилотига Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилишларини сўраб ариза берди. Унга Анваржон Набиев, Маҳмуджон Мирзаев, Хосиятхон Аҳмедова сингари маҳалланинг обрўли кишилари ҳам қўшилдилар.

Кўп вақт ўтар-ўтмас маҳаллада яшовчи бир гуруҳ кишилар Ўзбекистон ХДП аъзолик билетларини тантанали тарзда олишди. Аъзолик билетларини Андижон вилояти партия кенгашининг иккинчи котиби Йўлдошали Собиров топширди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»мухбири.

Муносиблик масъулияти

ОБРЎНИ ОДАМЛАР БЕРАДИ

Анора Очилова Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби. У маҳалла фаоли сифатида ибратли ташаббусларни кўтариб чиққанлиги учун ҳам кўпчилик «Маҳалла бекаси» деб ардоқлайди.

Маҳаллада 18 миллат вакилидан иборат 15 минг аҳоли яшайди. Маҳалланинг ўз чойхонаси, новвойхонаси, гўшт, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони, бозори бор. Учта ўрта мактаб, тўртта болалар боғчаси, иккита спорт зали ва кинотеатр ишлаб турибди. Анорани ана шу жамоаларда учратиш мумкин. Партиямиз дастури ва Миллий истиқлол мафкурасида белгиланган вазифаларни дилига туккан бу тинибтинчимас аёл ҳамиша бирор хайрли иш илинжида юради.

Маҳалла ҳудудидаги корхона ёки ташкилот серунумсердаромад бўлсин, тиббий хизмат яхшироқ ташкил этилсин, болалар чуқурроқ билим олсин, иқтисодий ночор оилалар қийналиб қолмасин... Булар Анора хоҳиш-истакларининг юздан бири.

Маҳалла бошланғич партия ташкилотига одамлар орасида обрў топган, ҳалол ва меҳнатсевар кишилар қабул қилинмоқда. Ташкилот 1994 йилнинг июль ойида 8 нафар аъзо билан ташкил этилган бўлса, орадан бир йил ўтиб 35 нафарга етди. Эндиликда улар аҳоли орасида ижтимоий адолатни, маънавий юксалишни таъминлаш учун елиб-югуриб хизмат қилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотининг бултурги оммавий-сиёсий тадбирлари рўйхатини кўздан кечирсангиз, мавзулар кенглигини кўрасиз. Шу тадбирлар орасида «Ислоҳотларда фаоллик — ҳамманинг бурчи», «Маҳалланг обод — Ватанинг обод», «Ёш бўлинг — бебош бўлманг» мавзуларда ўтказилган суҳбат ва маърузалар, «Туркистон — умумий уйимиз», «Ижтимоий-сиёсий барқарорлик — истиқлол гарови» илмий-амалий анжуманлар барчада катта таассурот қолдирди.

Шуниси диққатга сазоворки, бошланғич партия ташкилоти ўтказаётган ҳар бир тадбирни маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг раиси Пўлат Холматов қўллаб-қувватлайди, амалий-ташкилий ёрдам кўрсатади. Бу узаро ҳамкорлик туфайли сўнгги пайтда маҳаллада ободонлаштириш-кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Аҳолига савдо, маданий ва тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Энг муҳими, икки йилда бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Маҳалла бошланғич партия ташкилоти аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида кўплаб кичик ва қўшма корхоналар ташкил этишга бош-қош бўлаётир. Биргина ўтган йили маҳаллада 9 та шундай корхона очилиб, уларга 76 нафар ёшлар ва хотин-қизлар ишга жалб этилди.

Маҳаллада оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишда турли касбларда ишлаётган Меҳрихон Қурбонова, Мукаррама Нарзуллаева, Азиз Икромов, Эшпулат Тоғаев ва Довурбой Алибеков сингари фаол партия аъзоларининг хизмати катта. Шу сабабли одамлар партия ташкилотига, унинг аъзоларига ишонишади. Чунки, обрўни улар бераётирлар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНА-ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ. К. ТУРҒУНБЕКОВ олган сурат.

СОҲИБҚИРОН НОМИДАГИ ОРОМГОҲ

ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамда Америка Тинчлик корпуси ҳомийлигида уқувчиларнинг ёзги таътиллари бошланиши арафасида Ғазалкентда Амир Темур номи берилган оромгоҳ ташкил этилди.

Оромгоҳга мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларидаги инглиз тилини яхши ўзлаштирган қобилиятли йигит-қизлар таклиф қилинади. Лагерда болаларнинг дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Муҳими, бу ерда инглиз тилини мукаммал ўрганишга имконият яратилади. Урганчдаги инглизчага ихтисослашган 3-мактабда уқувчиларни саралаш бўлиб ўтди. Узига хос танловга америкалик инглиз тили ўқитувчиси Джузеф Далсон бошчилигидаги мутахассислар жалб қилинди. Қарийб 40 нафар уқувчи оромгоҳга йўлланма олди.

Ҳукмдан сўнг

ОТАСИДАН ИНСОФ ТИЛАГАНЧА...

Оғиздан оғизга, қулоқдан қулоққа ўтди бу шум хабар: «Шерматнинг боласи музлаб ўлганмиш».

Воқеадан узоқ бўлганлар ўзича тахмин қилишарди.

— Дала-даштда қолиб кетган эканми?

Миш-миш кўпайди. Ҳақиқат эса сал кейинроқ очилди.

... Шермат рози бўлди. Муяссар рози бўлди. Қўдалар розилашдилар. Тўй қилинди. 1983 йилнинг июнь оқшоми келинкуёвга эзгу тилаклар тиланди. Икки ёш жамоа гувоҳлигида бир ёстиққа бош қўйди.

Ҳаёт оқими хилма-хил. Пастбаланд. Гоҳ кунгилларни кенг, гоҳ тор қилади. Бу рўзғоргаям шу каби таъсирини кўрсатди.

—Ойим пулнинг юз сумини сураяптилар. Керак бўлиб қолибди.

Муяссар гапини тугатар-тугатмас Шермат қизишиб кетди.

— Қишлоқ кенгашидан никоҳ учун берилган икки юз сумдана?! Тушини сувга айтсин...

Совуқлик шундан бошланди. Икковиям гаплан қолмади. Бугунам, эртасигаям гиди-биди давом қилаверди. Шу-шу эр-хотин бир-бирининг гапини кўтара олмайдиган бўлиб қолди. Арзимас юз сум низо чиқарди.

Ана-мана деганча 5-6 ой ўтиб кетибди. Лекин гиди-биди ҳануз тинмас бу ҳомиладор бўлган Муяссарга оғир ботарди. Ахири асаблар чидолмади. Келин онасиникига кетиб қолди.

— Даф бўлгани яхши. Қулогим тинчийди қайтанга.

Шермат ўзига шундай таскин берди. Машинасида давлат ишини бажариб юраверди. Гуё ҳеч нима бўлмагандай. Лекин бир куни унга айтдилар.

— Суюнчи бер. Аёлинг фарзанд кўрибди.

Ростдан 1984 йил 9 август куни Муяссарнинг кўзи ёриди. Ўғил! Исмини Одилбек қўйдилар. Ун ойлар болани ота томон суроқламади. Ахири қишлоқ кенгашидагилар аралашдилар бунга. Албатта, қуёвнинг уйидагилар айтишгач. Ўшандан сўнгтина оила қайта тикланди. Эр-хотин бошқа ҳовлида иноқ турмуш қуришга киришдилар.

Оила шундай бир синоатки, унда баъзан дағаллик, баъзида мулойимлик ғолиб. Гоҳ ғазаб, гоҳ шўбҳа устун. Шермат ва Муяссар бош қўйган ёстиқ ҳам олдинига нифоқ, кейин шубҳага йўғрилди.

— Одилбек менинг болам эмас!

Ҳар икки гапнинг бирида Шермат буни такрорлар, думбоққина болага бемеҳр эди.

Отанинг ўз фарзандига муомаласи ёмонлашаверди. Бир гал Одилни роса дуппослаган Шермат ялиниб-елборгаётган норасиданинг баданини рахмсизларча омбур билан чимдилаб ташлади. Буни эшитган қишлоқ оқсоқоллари чақиришувди бормади.

—Жуда совуқ кун эди, — дея кўрсатмасини давом эттиради Муяссар. — 1995 йилнинг декабрь ойи. Дарсни яхши тайёрламади баҳонасида Одилни савалаб кетдилар. Айбсиз бола уст-боши ечилганча икки соат уйнинг устунига боғлаб қўйилди. Тавба-тазарру қилиб, даг-даг титраётган ўғлимизни ичкарига киргаздим.

Отанинг шафқатсизлигидан юраги безиллаб қолган ўғил бувисиникига борар, у ердан ором топгандай бўларди. Сурункасига бўлаётган қийноқ, калтак азоби ҳали ҳаётнинг чучутини тотишга улгурмаган Одилга аччиқ, заҳарни раво кўрди.

«Олдиндан ўлишини сезган экан», деган ибора бор. Бу тақдирда кўрганларгагина аёндир. Лекин шу ақида мавжуд. 1994 йилнинг 30 январи. Бувисиникига келган Одилни отаси излаб боради. Уни кўрган ўғил ура қочади. Ўйга бормайман, юборманглар деб илтижо қилади. Бироқ унинг ҳарҳашаси билан ҳисоблашмайдилар. Оёгини тираб олган болани барибир отаси изнига тутқазадилар.

— Ўчир, овозингни! Йўқса...

Отасининг пуписаси «қурук»эмаслигини бошидан кечирган Одил писиб қолди. Кўздаги ёшини оқизиб, термула-термула тоғалари, бувисидан узоқлашди...

Тонг онанинг фарёдидан сўнг отди. Иллам қадам ташлаганлар кўрдилар. Ҳали ун ёшга тўлмаган Одил сомонхона устунида боғлангача ўлиб ётарди.

Тергов давомида ва судда Шермат қотиллик қилганини бўйнига олди. Воқеани сўзлаб берди.

— Нега мендан қочдинг, зумраша.

Шундай дебон Шермат ўглини роса уради.

— Кечиринг адажон. Энди қилмайман.

Боланинг бу гаплари жаҳл отига минган Шерматни баттар қўзийди.

— Ада дема итвачча! Адангни кўрсатиб қўяман.

-Ҳақиқатдан мурғак ниҳолга «адасини» кўрсатди. Соат 20.30лар атрофида гудакни атрофи очиқ молхона устунига оёқ-қўлини боғлайди. Сўнгра тут новдаси билан ҳовири босилгунча уради. Оғриқдан азобланган Одил додлайди.

— Овозингни чиқарма. Ўлдираман!

Ўз қиёфасини унутган ота фарзандини шундай, деб қўрқитади. Ўглини ажратиб олмоқчи бўлган аёлигаям таҳдид қилади.

— Қўлингни теккизсанг, иккивингниям у ёққа жўнатаман.

Фарзандига раҳми келса-да, она ожиз эди. Ўйдан чиқмай мук тушиб ётади. Устки кийимлари ечилган Одил эшикка термула-термула... Хуллас, ўша оқшом у падаридан инсоф тилаганча оғилда қолиб кетди...

Ана шу тарзда ёш бола умрига зомин бўлинди. У жувонмарг кетди. Гумон оқибатида ота ўз пуштига қотиллик қилди. Жиноий ишни ўрганиб чиққан суд Шерматнинг жазосини берди. Лекин у қолдирган иснод ҳаливери эсдан чиқмас.

Яра янгиланса, олдингисидан беш баттар азоб беради, дейдилар. Биламиз, ўглидан, эридан ажраган Муяссаргаям азоб. Шуни эътиборга олиб, исмларни ўзгартирдик. Аммо қотил отанинг эл-юрти, уруғ-аймоги қунглида қолдирган доғни ўзгартиб булармикин?

Эшпўлат БЕГМАТОВ,
Ўзбекистон Республика прокуратураси тергов Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи.
Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз шундай халқмиз

ТЎЙГА НИМА ЕТСИН

Қўй келдию...

Дарвоза олдида «қўй келди, тўй келди», дея чуғурлашаётган болаларнинг овози ҳовлида юрганларни сергаклантирди. Бир зумда йўлакда эркаклар пайдо бўлишди. Яхшиям ўғил жиянлар кўп. Аввал «грузовой» машинадан семириб кетганидан орқа оёқлари кўринмай қолган, сарғимтир каттакон қўчқорни амаллаб туширишди. Қаторлашиб туриб дон-дун, қоп, ёғ идишлар, қутиларни ташишди. Сўнг кичик машинанинг орқаси — катта эшиги очилди. У ердан савату тоғоралар, челагу патнислар чиқди. Бу овўрагарчиликнинг сабабкори — ЗАГСга тайёрланаётган келинпошша ичкари уйда энг кичик жиянининг қанча нима келгани ҳақидаги «сўнгги ахбороти»ни тингларди.

Тавонхонадаги хотинларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар овора, тугун овора. Бирон гап айтолмайсиз, дарров «вой ўргилай, удумимиз-да, қизимиз арзимабдими», дейишади. Қопларда сабзи пиёз, уну гуруч (картошкаям бормиди, билолмадим), ош учун ёғ, челакда нишолда-ю, қоғоз қутида парварда, қанд-қурс, тоза шоколаду импорт шимшимлар, ҳолва-ю майиз, саватда патиру яшикда жиззали нон — ичида гўштлигиям бор, патнисда ширинлик устига тахланган келин сарупо — оёқ кийимлари алоҳида дастурхонга ўралган, яна сарсон бўғча. Тоғораларда норин, ҳасип, тандирсомса, пармуда, кабоб, пиширилган бир неча хил антиқа ширинликлар — буларнинг бари куёв тарафнинг келин томонга саховати эди. Шу пайт кўчадан кетма-кет машиналарнинг «бағбағи» эшитилиб қолди. Бир уй одамни «қўй келди-ю тўй келди» билан андармон қилиб қўйиб, куёви тушмагур ўзи қизимизни оли-иб кетиб қолди-я...

Куёв салом

Эндигина никоҳдан ўтган келин-куёвнинг «Бахт уйи» остонасидан чиқиб келишига ҳеч разм солганмисиз. Никоҳ узугини тақаётганда оний кўз тўқнашувидан бошланган чўғли нигоҳ ҳар икки ёш вужудига шу қадар тез сингиб кетадики, шу дақиқадан эътиборан улар бу дунёда фақат бир-бири учун яралганини, бир-бири учун яшаши лозимлигини дил-дилидан туйгандек бўлади. Куёвнинг кафти тафтини илк бора билагида ҳис этган келин энди аввалгидек, ҳуркимайди, аксинча ихтиёрини «амири»га топширади. Шу дамда куёв учун бу дунёда ёнидаги маликадан маликаси, ҳурлиқодан ҳурлиқоси, оқиладан оқиласи бўлмаганидек, келин учун ундан-да мулойими, ақллиги, тантиси бўлиши мумкин эмасдек туюлади. Хуллас, бу дақиқаларни бошидан ўтказаётгангина билади.

Келинпошша танлаган куёв ҳақиқатан ақлли экан. ЗАГСдан ўтган ёшлар аввал илк саломларини Ҳазрат Навоий қошида бажо этиб, ҳоки пойига гуллар қўйишди. Машинага ўтираркан куёвтўра аста сўради.

— Бувингиз... бувимизнинг уйлари қай тарафда?

Бироз довдираб қолган келинпошша куёвга тик қаролмай;

— Қайси бувимларни сўраяпсиз? — деди.

— Ҳалиги... бир-икки йилдан бери бетобланиб, ётиб қолган бувимиз-чи...

— Адамларнинг ойиларикки Себзорда... нимайди? — дея энди ботиниб қаради келинчак куёвга. Кўзи кўзига тушди-ю, дарров нигоҳини олиб қочди, тиззасидаги гулларни ўйнай бошлади.

Шофёр машинага ўтириши билан «Энди «Зарафшонга-а», дея кўзгудан дўстига қараганди, у «Йўқ, Себзорга», деди шошиб. Шофёр тушунмагандек орқасига ўгирилди, шунда куёвтўра:

— Бувимизга ҳам салом бериб чиқайлик, — деди.

— Ия, буёғи энди, куёв салом экан-да, — кулгига олди куёвжўра.

Келинпошша лол эди...

Асосий машинанинг маршрути ўзгарганига ҳамма ҳайрон. Фақат келин янга келинчакнинг қулоғига:

— Бахтингиз бор экан... — деди шивирлаб.

Ўрнидан қимирлолмай, ётиб қолган, унашилганидан буён набирасининг бахти-ю тахтини Яратгандан тилаб ётган буви уйи остонасида невара куёвни кўрганида алқагани сўз тополмади. Фақат дуолари ижобат бўлажагига иймон келтирди...

«Тўрва қоқди» уйлансинакан

Ўзиям тўймисан тўй бўлди-да... Келин-куёвни ғитир-ғитир, тинғир-тинғир қилиб асбоб-анжомларини созлаётган икки гуруҳнинг бири олиб, бири қўйиб, баъзан бираваракайига айтган «Тўйлар муборак»и кутиб олди. Буларга карнай-сурнаю ноғора ҳам жўр бўлди. Дастурхонни айтмайсизми. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Тўйда одам ҳам кўп, хизматчилар ундан ҳам бисёр. Бир қарасангиз олдингизда чучвараю сомса пайдо бўлади. У ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қилгунингизгача норину ҳасип муҳайё. Мохора-ю манти «горячийси»га. Ўртани олиб борувчилар ҳам бир эмас, иккита. Яна кимсан фалончилар, Равшан Комилов даврага чўғ солганди, Юлдузхонимнинг шогирдлари уни алангалатди. Теша Мўминов яна олов қўювди, Мирза Холмедов унинг тафтини осмону фалакка кўтариб юборди. Бошқа майда-чуйда «оловчиларни» айтмай ҳам қўя қолайлик... Куёвтўра эса ғоздек ўтирардилар.

Ҳамма «сир» даврага куёвнинг ота-оналарини таклиф этишганда очилди. Маълум бўлишича, бу тўй чолу кампирларнинг «тўрва қоқди»си — ўнинчи фарзандларининг базми жамшиди экан. Беш ўғил, беш қиз ўстирган бу пиру бадавлатларнинг кенжаси уйланаётган экан. Тўрт ака-ю кеннойи, беш опа-ю поччалар шу оқшом кенжатой хизматида бўлишди. Бу меҳр-оқибатли ака-укалар, эгачи-сингиллар укажонисининг кўнглидагини топишга, айтганини қилишга шунчалар ҳаракат қилишдики, тўйга келганларнинг бари бу дунёда ҳаммаям кенжатой бўлсинакан, «тўрва қоқди»нинг тўйи бўлсинакан, деб кетишган бўлса ажабмас.

Бир тўйдан уч шингилни Умида Раҳмат ФАЙЗИ қизи қоғозга туширди.

Танлов

«ТУРКИСТОН»ДА БИР ТАНТАНА БЎЛДИ

Уларни жонимизни оғритиб игна санчганда, яра-чақа, синган-пинганларни боғлаганда, болажонларимизни чирқиратиб эмлаганда, маҳалла-қўйда турли ҳасталикларнинг олдини олиш пайида бўлиб, хонадонларда огоҳлантириш, тушунтириш ишларини олиб бораётганда ҳамиша оқ ҳалатда кўриб, ўрганиб қолганмиз. Ҳамширалар гўё шунинг учун яралгандек туюлади. Аслида сиз уларнинг «Тановар» ва «Алла»ни айтганини, «Омон ёр» билан «Жонон бўламан деб» лапарини ижро эттанини, бухороча-ю арабча рақсларни қиёмига етказиб ўйнаганини, айримлари аллақачон Юлдузхонимнинг шогирдига айланганини, шеърни ҳам маромига етказиб ўқишини кўрганингизда бу ўша ҳамшираларми, дея лол қолишингиз шубҳасиз. Шу сабабдан ҳам Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган ҳамда «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида ўтган бу йилги анъанавий «Ҳамшира-96» кўрик-танлови ҳайъат аъзолари ҳамшираларнинг иккинчи истеъдодига тан бериб, бундан кейин Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қошида ансамбль тузишга қарор қилди.

Шаҳримизнинг турли туманлари ҳамшираларининг вакилалари кўрикда касб рекламаси, фильм асосида тайёрланган тест саволлари, амалий кўникмалар, «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган алоҳида савол-жавоблар ҳамда уй вазифаси сингари танлов шартларида қатнашдилар. Акмал Икромов туманидаги 7-шифохонанинг туғуруқхона бўлими ҳамшираси Гулнорахон Қориева, Шайҳонтоҳур туман 1-шаҳар клиник шифохонаси ҳамшираси Хайриниса Абдураҳмонова ва Миробод туманидаги 1-поликлиника ҳамшираси Гулнорахон Аминжоновалар Тошкент шаҳар «Ҳамшира-96» танлови ғолиблари бўлишди. Ҳомийлар ҳам талайгина экан. «Соғлом авлод учун» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, ЭКОСАН жамғармаси вакиллари табригидан сўнг, «Миконд», «Электроаппарат», Тошкент Тўқимачилик комбинати, шунингдек Олмониянинг «Байер» фирмаси вакиллари ғолиблар ва қатнашчиларга ўз эсдалик совғаларини топширишди. Энг муҳими, тиббиётчиларнинг шу кунги катта тадбирига файз киритган Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров бошчилигидаги «Ялла» ансамбли танловни тўйга айлантириб юборди. Зеро, Фаррух Зокиров айттанидек, «Туркистон»да бир тўй бўлди...

У. ФАЙЗИЕВА.

Дил изҳори

НАВОИЙ НАЗАРИНИ АНГЛАГАН

Абдуқодир Ҳайитметов деганда кўз ўнгимизда ўзбек адабий меросининг толмас тадқиқотчиси, навоийшунослик илмининг ҳақиқий фидойиларидан бири ва чин инсон сиймоси гавдаланади. Унинг заковати туфайли юзага келган, ўзбек адабиётшунослигининг ардоқли мулкига айланган тадқиқотларда мумтоз адабиётимизнинг ҳаётбахш манзаралари ўз ифодасини топган.

Унинг отаси қатағонга учрагач, болалик пайтида Тошкентга оилалари билан кўчиб келиб, урта маълумотни шу ерда олган. Уруш йиллари, турмуш қийинчиликларига қарамай адабиёт тўгаракларига қатнади. 1943 йилда Тошкент транспорт муҳандислари институтига ўқишга кирган бўлса-да, адабиётдан кўнгил уза олмади. Шунинг учун 1944 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг янги очилган Шарқ факультетига ўқишга кириб, форс-тожик адабиётини қунт билан ўрганди. Илмга чанқоқлик уни Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтига етаклади. У ерда аспирантурани тугатгач, Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга кирди ва ёш илмий ходимликдан етук адабиётшунос олим даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Абдуқодир Ҳайитметов 1955 йилда «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуида номзодлик, 1965 йилда «Алишер Навоийнинг ижодий методи» мавзуида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. У тадқиқотчи-олим сифатида ўзбек мумтоз адабиётининг ривожланиш қонуниятлари, унинг масалалари, алоҳида намояндалари ва асарлари юзасидан тинимсиз ишлар олиб борди. Бу изланишларнинг самараси бўлиб «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Навоий лирикаси», «Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» каби салмоқдор монографиялар юзага келди ҳамда ўз тадқиқотчисининг адабий-илмий жамоатчилик орасидаги ўрнини белгилаб берди. У республикамиздагина эмас, ундан ташқаридаги кўпгина илмий марказларда ҳам етук навоийшунос сифатида тан олинди.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг 1967 йилдан кейинги илмий фаолияти Узбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти октябргача бўлган ўзбек адабиёти бўлимига раҳбарлик қилиш билан биргаликда кечди. Бу бўлимда «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг ўзбек тилидаги беш томлиги ва рус тилидаги икки томлиги, «Навоий қомуси», турли монография ва илмий тўпламларнинг рўёбга чиқишида жонбозлик кўрсатди.

Кейинги йилларда юзага келган «Навоийхонлик суҳбатлари» тўпламидаги ҳамда «Навоий шеърий маҳорати ҳақида», «Навоийнинг сарбадорларга муносабати», «Сўз мулкининг султони», «Навоий эстетикасининг гултожи», «Навоий достонларида шартли тасвир», «Хамса»нинг яратилиш жараёни», «Навоий ва Аланқуво афсонаси» каби мақолалари унинг ўзбек адабиётшунослигида пешқадам навоийшунос сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг илмий фаолиятида мумтоз адабиётнинг алоҳида асарлари матни юзасидан олиб борилган ишлар ёки уларни нашр эттириш ҳам салмоқли ўрин тутади.

Шунингдек, олим нашр ишлари билан бир қаторда матншуносликка оид бир қанча тадқиқотлар ҳам эълон қилдики, улар адабий меросимизнинг етарли савияда нашр этилишида муҳим аҳамият касб этди, манбаларга ҳамма вақт синчковлик билан ёндашиб келган. Буни биз илмий муомалага А. Ҳайитметов томонидан янги олиб кирилган Аҳмад бинни Худойдод Тарозийнинг янги топилган «Фунуни балоға» асари юзасидан олиб борган тадқиқотларида кўрамиз. Бу тадқиқотлар шарофати билан туркий тилда адабиёт назариясига бағишланган мукаммал бир асар Навоий замонасидан ҳам бир аср илгари мавжуд бўлгани фанга маълум қилинди.

Изланувчан олим ижтимоий ҳаётимиздаги шу кунги ўзгаришлар туфайли юзага келган имкониятдан фойдаланган ҳолда янгича қарашларга асосланган бир қатор тадқиқотлар яратиб, илгари айтилмай қолган фикрларни халқимизга етказишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. У мумтоз адабиётимизни илмий ўрганиш бўйича кун тартибига қўйилаётган янги муаммоларга жиддий муносабат билдириб келмоқда. Кейинги йилларда юзага келган «Навоий ижодининг улуғворлик хусусиятлари», «Хамса»даги янги ижтимоий тип талқини», «Алишер Навоий ижодида умумбашарий қадриятлар масаласи», «Олам аҳлига дилхоҳ», «Туркистон ва Хуросон услублари» каби мақолалари шу йўналишдаги дастлабки ишлардандир. Жонкуяр олимнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида қанча ёзсак шунча оз. Қолаверса, ҳассос олим, меҳрибон устоз меҳнатини кўпроқ илм ва ижод аҳли қандай қадрлашни билади. Энг қувончлиси, ҳеч бир муболағасиз айтсак бўлади: ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳар қандай кўнгиллар кўзини очмоққа қодир ўлмас назарини Абдуқодир Ҳайитметов англаб етган.

Суйима ҒАНИЕВА,
Алимулла ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Нусратулла ЖУМАЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТ

• Буюк Британия мудофаа вазири М. Портилло Чехия ташқи ишлар вазири Й. Желенец билан учрашувидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида НАТОнинг шарқий мамлакатлар томон кенгайиши Европанинг янгидан бўлинишига олиб келмаслигини айтди. «Биз Европа хавфсизлиги масаласи ушбу худуддаги барча давлатларга дахлдор бўлиб қолишини хоҳлаймиз», деди у.

Ўз навбатида Чехия ташқи ишлар вазири НАТОнинг кенгайиши билан Европада НАТОга аъзо бўлган ва бўлмаган давлатлар, деган тушунча пайдо бўлиши мумкин эмаслиги ва шу боис шарқий ва Марказий Европа давлатларини Шимолий Атлантика Альянсига яқинлаштириш борасидаги ҳаракатларни давом эттириш лозимлигини таъкидлади.

ХХРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ

• АҚШ Президенти Билл Клинтон Вашингтонда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч,уммони ҳудуди билан ҳамкорлик масалаларига бағишланган анжуманда савдо маромида ХХРга бир қадар сезиларли даражада қулайликлар яратиш ҳақидаги қарорини маълум қилди. Б. Клинтон ушбу қарор ҳар икки томонни савдо борасида изоляция жараёнига юз тутишнинг олдини олиш, қолаверса, Американинг иқтисодий манфаатларига путур етказмаслик мақсадида қабул қилинганини айтди.

Б. Клинтон, шунингдек, ХХР АҚШ экспорт бозорида муҳим ўрин эгаллашини, хусусан, 1995 йилнинг ўзида мамлакатнинг Хитой бозорларидаги ҳиссаси 30 фоизга ошганини таъкидлади.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТДИ

• Вашингтонда бешта давлат — АҚШ, Франция, Исроил, Ливан ва Сурия делегациялари Исроил ва «Ҳезболлах» жангарилари ўртасидаги отишмаларни тўхтатиш бўйича битимни назорат қилиш билан боғлиқ музокараларни давом эттирди.

Дипломатлар олдида ушбу битимнинг бажарилишини назорат қилишнинг етарлича самарали шартларини ишлаб чиқиш масаласи турибди. Ҳозирча битта масала бўйича уларнинг фикрлари умумийдир. Уҳам бўлса, халқаро кузатувчилар учун Ливан жанубида «ҳимоя зона»сини яратиш керак бўлади ва уларнинг ишини текшириши АҚШ, Франция ўз зиммасига олади.

РОҲИБЛАР ҲАМ ҒАЗАБЛАНИШИ МУМКИН

• Хитойдаги Тибет автоном райони ҳукумати ушбу тумандаги барча йирик будда ибодатхоналарини бекитиб қўйди. Бунинг асосий сабаби шу йилнинг май ойи бошларида тумандаги роҳибларнинг Хитойга қарши ўтказган оммавий ҳаракатларидир.

Ушбу ҳаракатлар марказида «Генден» ибодатхонаси руҳонийлари турган. «Генден» ибодатхонасига текширувга келган Хитой инспекторининг ибодатхона роҳибларини калтаклаши кейинги ҳаракатлар учун туртки бўлган. Ушбу нохуш воқеа оқибатида 40 нафар роҳиб жабр чеккан, улардан бир неча ўн нафари қамоққа олинган.

Маълумки, 1989 йилда бу ерда Хитой ҳарбий бўлинмаларининг ушбу туманга ноқонуний киритилишига қарши йирик норозилик намойишлари бўлиб ўтган эди.

Табиатда шундай ҳодисалар рўй берадики, эшитиб ишонмайсан киши, ҳатто гувоҳларнинг ўзлари ҳам ҳайратдан ёқа ушлайди. Бу ҳодисалардаги шиддат ва куч қаёқдан пайдо бўлганига ақл бовар қилмайди. Фан-техника ривожланган ҳозирги асрда ҳам олимларимиз учун бу нарса жумбоқ бўлиб турибди. Қуйида шу каби воқеа-ҳодисалар билан танишасиз.

БУ ВОҚЕА Американинг Оклахома штатида рўй берган. Кун иссиқ эди. Фермер икки от қўшилган аравада мудраб борарди. Бир пайт қаттиқ тарақа-туруқдан уйғониб кетди. Сергакланиб кўзини очса, отлар йўқ, фақат аравагина турибди. Фермер аввал аравани ушлаб кўрди, сўнг ўзининг у ер-бу ерига қўл теккизди — ҳаммаси жойида. Агар отларнинг бирдан йўқ бўлиб қолганини ҳисобга олмаганда ҳеч нарса рўй бермагандек.

Худди шунга ўхшаш воқеа Небраска штатида ҳам зикр этилган. Уй бекаси сигир соғиб ўтирарди. Аёл нимагадир чалғиди-да, орқасига қаради. Шу пайт бирдан нимадир гумбурлади. Бека чўчиб олдига қараса сигир йўқ. У анграйганча қимирламай ўтириб қолди. Пақирдаги сут эса тўкилмаган, иссиқлигича турарди. Бу воқеага аёлнинг қўшнилари ҳам гувоҳ бўлишган.

Оклахомалик эр-хотинлар чекига ҳам шунга ўхшаш ташвиш тушган: 1950 йил қуёш чарақлаган ёз кунларининг бирида эр-хотин уй ичида кроватда ухлаб ётишарди. Бир пайт гумбур-гумбурдан иккови ҳам сапчиб уйғонди, бироқ туш кўрдик шекилли дея яна ётиб олишди. Аммо ён-атрофларини кўриб «хушлари ўзига келгач», иккови ҳам серрайиб лол қолишди. Не кўз билан кўришсаки, ётган кроватлари очиқда турибди, уйдан, унинг ёнидаги чала қурилишдан ва чорвасидан ном-нишон йўқ. Фақат ётиш олдидан таҳлаб қўйилган кийимларигина тасодиф туфайлими ё бошқа сабабми кроват ёнида турибди.

Япония архипелагининг Окинава оролида яшовчи деҳқон Футори Норита қисматида ҳам шу каби «битик» бор. У уч ўғли билан шоли майдонида ишлаётган эди. Тўсатдан бўрон бошланди. Шамол Норитани даст кўтариб уммон томонга олиб кетди. Ўғиллари асабийлашиб нима қиларини билмай туришарди. Бир неча дақиқадан сўнг яна эсган кучли шамол далага қум ва чанг билан бирга қорамтир алланарсани учириб келди. Шамол пасайиб, бояги нарса шолизордаги қўлмакка келиб тушди. Югуриб борган болалар отасини «бус-бутун», лекин ҳушсиз аҳволда кўришди. Ҳушига келгач, Норита ўзини яхши сезган, аммо хавфли «парвоз» ҳақида ҳеч нарса эслай олмаган.

Юқорида санаб ўтилган барча воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳлари ё уйқуда, ёки нима биландир машғул бўлишган. Натижада воқеа сабабчисини кўришган ё кўришолмаган. Лекин биз учун бу ҳол қанчалик ғаройиб бўлиб туюлмасин, унинг «айбдори» аниқ. Гуноҳкор ҳаётий, гарчи у «яратган мўъжизалар» ақл бовар қилмас даражада бўлса-да.

ҚУЮН! Табиатнинг даҳшатли бу мўъжизаси билан боғлиқ афсона ва ривоятлар бизни асрлар қаърига бошлайди. Асосини қуюн фожиалари ташкил этган халқ оғзаки ижоди намуналари ва эртаклар ҳам мавжуд. Эртакларда ҳикоя қилинган оғзидан олов пурковчи аждаҳолар қилмишини-да қуюнга қиёслаш мумкин. Негаки, аждаҳо қаерда пайдо бўлмасин, ўша ерда ўлим даҳшати, вайронагарчилик юз берган, одамларга азоб-уқубат, қайғу-алам келтирган. Қуюн ҳам шунақа.

У шунчалар ҳалокатли кучга эгаки, уни бошидан кечирган ҳиндистонликлар қуйидагича ёзишган эди: «У ерни бирров «чертиб» ўтди ва саноқли дақиқадаёқ уч километр нарига етиб борганининг гувоҳи бўлдик. Бироқ шу бирров «чертиб» ўтишнинг ўзида ярим километр майдондаги қурилиш иншоотлари бутунлай ер билан яксон бўлди. 20 киши ўлди, юзлаб одамлар жароҳатланди».

1967 йил 15 август куни эса Олтой ўлкасининг Панкрушиха қишлоғидаги ўрмонда юз берган қуюн эни 100-200 метр қилиб, бир неча километр узунликда сўқмоқ очиб қўйган. Бир уйнинг томидаги шиферни бор бўйи билан юлиб олган ва майда-майда қилиб, диаметри 2,5 километрли айлана майдонга сочиб юборган. Қуюн ўз йўлида турган комбайнни эса 25 метр нарига суриб ташлаган. Айрим дарахтларни илдиз-пилдизи билан суғуриб четга отган, илдизи бақувватларини эса чирмовуқдай бураб ташлаган.

АҚШни қуюннинг ватани дейиш мумкин, негаки, у ерда табиатнинг бу «мўъжиза»си тез-тез содир бўлиб туради. Шунинг учун ҳам тарихда юз берган қуюнларнинг кўп қисми шу мамлакат «гарданига тўғри келади».

Торнадо (американликлар қуюнни шундай аташади) инсониятга вайронагарчилик келтириш бўйича ер силкиниши кулфатларидан ўтиб тушади. Масалан, 1925 йил 18 мартда юз берган «Уч штат қуюни» (шундай ном олган) Миссури, Иллинойс ва Индиана штатларини «ялаб ўтиб», ҳукуматга 40 миллион долларлик зарар етказган. Қуюн оқибатида 695 киши ҳалок бўлган, 2027 киши эса жароҳатланган.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

«Ирвинг» қуюни ҳам борлиқни вайрон қилиш бўйича ўз кучини яққол намойиш этолган қуюнлардан бири бўлиб тарих саҳифаларига кирган. Ушанда, яъни 1879 йил 30 май куни кундуз соат 4 да Канзаснинг шимолида одатдан ташқари қалин, қоп-қора икки булут тўқнашишди ва яхлит бир бутун булутга айланиб олгач, тахминан 15 дақиқалардан сўнг унинг ост қисмидан «воронка» ўсиб чиқиб улкан хартумга ўхшаш кўриниш ҳосил қилди-да, ерга яқинлаша бошлади. Бу жараён шунчалар тез содир бўлдики, ҳаш-паш дегунча ерга етиб келди ва уч соат давомида бутун штатнинг тўс-тўполонини чиқарди: йўлида нимаики учраган бўлса— мактабми, уйми, фермами барчасини ер билан яксон этди.

Энг ҳайратланарлиси шу бўлдики, қуюн «воронка»си дарё ўртасига етиб келганда дарё сувини ҳам катта ўрамага айлантирди. Сўнг сал наридаги янги қурилган 75 метрли темир-бетон кўприкни устунларидан «узиб» олиб, чирпирак қилиб сувга отди. Мутахассисларнинг фикрича, Ирвинг кўпригининг бузилиши қуюн қуввати қанчалик катта кучга эга эканлигидан далолатдир. Ўша пайтда «воронка» деворидаги ҳаво оқимининг (йўналиши) тезлиги товуш тезлигидан бир неча баравар юқори бўлган.

Жуда юқори тезликда ҳаракатланаётган қуюн одамларни бир жиҳатдан саросимага солса, бошқа жиҳатдан ҳайратдан ёқа ушлашга «мажбур» этади, негаки, у яратган мўъжизага кишининг ишонгиси келмайди. Масалан, 1896 йили Сент-Луис шаҳрида қуюн учириб юрган қарағай новдаси 1 сантиметр қалинликдаги пўлатни осонгина тешиб ўтган. Қизиғи шундаки, новданинг бирор ерига зарар етмаган. Бу воқеадан кейин 23 йил ўтиб, Миннесотада юз берган қуюн ҳам ғаройиб мўъжиза «кашф этган»: юқори тезликда учиб юрган ўсимликнинг юмшоқ пояси қалин тахтани бу ёғидан тешиб, у ёғидан чиққан, ёки оддий беда барги гилсувоқ қилинган уйнинг деворига ярроқ шаклида ботиб кетган.

Қизиқ, беда барги жуда нимжон бўлади, бармоғингиз билан салгина боссангиз эзилиб кетади, бироқ юқоридаги воқеада у умуман эзилмаган. Во ажаб, қуюннинг қандай сири бор эканки, улкан ва баҳайбат иншоотларни парча-парча қилиб ташлашга қодиру ўз навбатида жуда нимжон деб ҳисоблаб келган ўсимликлар дунёсини гоҳо мўъжиза яратибми, ё тасодиф туфайлими «асраб-авайлайди». Масалан, новданинг пўлатни тешиб ўтиши, янги ўзилган беда барги эзилмасдан деворга ботиб кетишини қандай тушунмоқ керак? Табиатнинг бу сир-синоатию, тилсимоти ҳалиям сирлигича қолмоқда. Ҳозирги атом асри фани бу сирни ечиб беришга

(Давоми 4-бетда).

Биласизми?

ТЕЛЕФОНСИЗ ҚАНДАЙ ЯШАШГАН ЭКАН?

Одамзод томонидан ўйлаб топилган мислсиз муъжизалардан бири, шубҳасиз, телефон тармоғидир. Бугунги кунда биз ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қила олмаймиз. Шунингдек, бурунгилар қандай қилиб телефонсиз ўз ишларини битирганлари ҳам сирасира тасаввуримизга сигмайди.

1989 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларга кўра, дунедаги энг «телефонбоз» халқ американликлар ҳисобланади. Бу вақтда АҚШда жами 423618819 та телефон тизими бўлган.

Токио эса дунедаги телефон билан тўла таъминланган шаҳар сифатида тан олинган.1989 йилнинг 1 январида бу ерда абонентлар сони 5511000 тани ташкил этган. Нью-Йоркда эса бу пайтда 4589000 та абонент бўлган. 1983 йилда Вашингтон шаҳрида ҳар минг кишига 1730 та телефон аппарати тўғри келган.

Энг улкан телефон аппарати 1988 йилнинг сентябрида Анелдорн шаҳри (Голландия)даги фестиваль чоғи намойиш этилган. «Сентрал Бехер» суғурта ширкатининг 80 йиллик тўйи муносабати билан ташкил этилган тантаналар чоғи кўз-кўз қилинган мазкур мосламанинг баландлиги 2,74, узунлиги 7,14 метрли дастага кўтарма кран воситасида жойидан қўзғатилган.

Дунедаги энг митти телефон аппарати эса АҚШнинг Эверетт шаҳридаги «Женерал телефон энд электроникс» корхонаси ходими Жефф Смит томонидан 1988 йилда ясалган. «Миттивой»нинг ҳажми 10,48х19х3,81 сантиметрга тенг.

ДУКЧИ ЭШОН ХОТИРАСИГА

Ҳажвий ашъорлар нечун бўртиқ кўзойнакдин қараб,
Андижон фарёдидин «оҳ» чекди ул Балҳу Халаф.

Бағри хун эл қаҳридин сесканди чор малъунлари,
Чўзмаса гулшанга қўл кирмас тикони бесабаб.

Осдилар, ўлдирдилар, боз устина тепмак нечун
Бўлди тадбир қатли жон, ҳеч бир киши олмас тилаб.

Қалб кўзи кўрлар қачон бўлғанки кўзларга зиё,
Тинди охир лойқа сув кўринди ул дурри садаф.

«Андижон кўзғолони»... Қўй тарих, чекма фиғон,
Асрий орзулар рўёб — бағрингга босгил аллалаб.

Истагим, аҳли қалам холислигин тарк этмасин,
Шаҳидлар авлодидин бу талаб — қатъий талаб!

Муштарий илҳоми

БОБОЛАР ҲОКИ

Яхшилар айланг тавоф, ўтган боболар ҳоки бу.
Бемажол, марҳум деманг, асли расолар ҳоки бу.

Ҳарорат ичра замин, мавлуди қуймоқ кафтингиз
Ишқ ўтин маҳшарга то ёққан вафолар ҳоки бу.

Минг шукр юзларидин нур ёғдириб нусрат била,
Айлаган қудрат ато, раҳнамолар ҳоки бу.

Тозалаб киприк ила қабрини ўпсак шунча оз,
Биз азиз авлодга чин жоннисолар ҳоки бу.

Бул имон комил билинг, эттай аён ҳамдардлигин,
Тоштемирнинг Муниси янглиғ фидолар ҳоки бу!

Тоштемир ҚАЮМОВ,
Марҳамат тумани.

БЎЛМА НОУМИД

Ёринг агар кетса ташлаб, бўлма ноумид,
Ҳаёт келса ташвиш бошлаб, бўлма ноумид,
Узилмасин гулшанингдан умид ғунчаси,
Ҳок-хазонлар олса қуршаб, бўлма ноумид.

Жигарингдан бўлсанг жудо, бўлма ноумид,
Сув тубига отса фалак, бўлма ноумид,
Исминг ноумид бўлса, Умид қўйғил,
Шунда қўллар сени худо, бўлма ноумид.

Раъно ҚУРБОНОВА.

АЛЛА ВА БЕШИК УДУМЛАРИ КЎРИГИ

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида алла ва бешик удумларининг вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Унда Чироқчи тумани «Алла» ижрочилар жамоаси биринчи ўринни олди. Бу жамоа саҳна безашда, сўзана, кашта, қуроқчилик кўргазмалари билан халқимизга хос алла ва урф-одатларни меъёрига етказиб намойиш қилдилар. Иккинчи ўрин Қарши маданият техникуми талабалари билан Китоб тумани алла ижрочиларига насиб этди.

Айниқса, Азиза Бобомуродова айтган алла томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Учинчи ўринни эса Ғузор, Қарши, Нишон туманлари ижрочилари эгаллашди. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулнора ҚУРБОНОВА.



Раққосалар хиром этганда.
Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.50.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

(Давоми. Боши 3-бетда).

ожизлик қиляптимикин? Нарса ёки жонзотларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб, ёмғир сингари осмондан «ёғдириши-чи?» Буям жумбоқ. Уларни узоқ юртларга нима элтади, булутми ё қуюнми? Бунга мисол тариқасида 1917 йилнинг 23 мартида Нью-Олбани шаҳридаги воқеани эслайлик. Ўшанда қуюн фожиаси юз берган жойдан 40 километр нарида самони булут қоплаб, осмондан турли кийим-кечаклар, мебель синиқлари, шифер ва тунукалар, ошхона шкафининг оғир эшиклари, тузланган бодринг солинган банкалар ёққанди.

Осмондан қурбақа, қурт-қумурсқа ва балиқлар ёққан машҳур «ёмғир-чи»? Бу ҳақда нима деб оласиз? Ҳа, майли, «жонзотлар ёмғири» ҳақида кўпчилигимиз биламиз. Аммо уларни булутлар қандай қилиб бир неча юз километрлаб узоқларга олиб борар экан, нега улар ерга тушиб кетмайди? Буни ҳозирча ҳеч ким билмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «балиқ ёмғири» ва бошқа жонзотлар ёмғири бўрон ва қуюнлардан кўра аввалроқ ёзма адабиётга киритилгани киши диққатини тортади. Кўринишдан турли табиий ҳалокатларга қараганда, осмондан қурбақа ёки қурт-қумурсқа ёғиши қадимги аждодларимизни кўпроқ қизиқтирган бўлса ажаб эмас. Шунинг учун бўлса керак, табиатнинг бундай мўъжизаси қадимги юнон адабиётида ўз ўрнини топган.

Қурбақа ёмғири тўғрисида биринчи бўлиб, грек тарихчиси Атенеус эрамиздан аввалги 200 йилдаёқ адабиётда битиклар қолдирган: «Қурбақалар осмондан шунчалар кўп ёғдики, бу мўъжизани одамлар кўриб, ҳайрон бўлиб қолишди, ердан бодраб чиққандек ҳамма ерда қурбақалар «қайнаб» ётарди— ёўлда ҳам, далада ҳам, сувда ҳам — оёқ қўйишга жой йўқ эди».

1940 йил 17 июнда ҳам Нижний Новгород вилоятининг Мешери қишлоғида юқоридагидек ҳодиса юз берганди, яъни момақалдироқ пайтида осмондан XVII аср охирларида зарб этилган қадимий тангалар ёққан. Кейин маълум бўлишича, қуюн «воронкаси» ерга кўмилган тангаларни-да осмонга кўтариб кетган ва бир неча километр узоққа олиб бориб, ёмғир ўрнида ёғдирган.

КАТТА ҚУЮНЛАР табиатда камдан-кам учрайди. Шунинг учунми балки, унинг «феъл-атвори» тўлалигича ҳали ўрганилмаган. Қизиқ, нега у гоҳо бутун борлиқни супуриб, яксонини чиқариб кетади-да, гоҳида «эпицентр»да турган нарсаларни худди унга дахлсиздек бузмай қолдиради? Нега от ва бошқа жонзотларни бир-икки километр нарига учириб кетади-да, қуюн «воронкаси»да учиб юрган дарахтни ҳали ҳеч ким кўрмаган? Негаки, бундай ҳол ҳали кузатилмаган. Уларни фақат синдиради ва нарига улоқтириб ташлайди. Шимолий америкалик фермерлар эндиликда қуюндан сўнг кўчаларда пати юлинган хўроз ва товуқларни кўриб ҳайратланишмай қўйишган. Бироқ уларнинг фақат бир ёнбошидаги патлари юлинганини қандай тушунмоқ керак?

ҚУЮННИНГ «асосий қуроли» катта тезликда айланаётган ҳаводир. У барча «мўъжизаларни» шу «қуроли» ёрдамида яратади. Яна бир мисол: 1953 йил 23 августда Ростовдаги Февраль кўчасида жойлашган 28-уйнинг эшик-деразаларини қуюн ланг очиб юборади-да, тумбочка устида турган соатни учириб, уйдан ошхонага, у ердан ёўлакка, ёўлакдан эса уй томига чиқариб қўяди. Хўш, нега айнан соатгина шундай «саёҳат»ни бошидан кечирди? Қолган буюмлар нега жойида қолди?

Қисқаси саволлар жуда кўп. Демак, илм-фан ривожланган компьютер асрида яшаётганимизга қарамасдан фан оламида жавобини кутаётган жумбоқлар, ҳали қилинадиган янгиликлару кашфиётлар бисёр экан. Лекин бу бисёрлик яхшилик белгиси, яхшилик жумбоғи. Зеро, шу жумбоқлар инсониятни тараққиёт сари етаклайди, ривожланишга чорлайди.

Хорижий манбалар асосида Алимқул СУЛТОНОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИГА 1996/97 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонига биноан, академиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари тизимларининг раҳбарлик лавозимлари учун янги талабларга жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни ўз ичига кадрларнинг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлик мажмуини қамраб олади. У тингловчиларда ўз соҳасининг билимдони, ташаббускор, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган замонавий тафаккурни шакллантиришга қаратилган.

Ўқув дастури ривожланган хорижий давлатларда тўпланган ижобий тажрибалар ҳамда Ўзбекистоннинг бой маънавий ва миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Академия ўқув жараёнида тингловчиларга бой маданий, ахлоқий, маънавий қадриятларни сингдириб, шу асосда уларнинг янги шароитларга тез ва машаққатсиз мослашишлари, ўзларининг янгиланган давлатини қуриш ва ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишига имкон яратади. Академия битирувчилари ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшишлари лозим.

Академия Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилиши истиқболини мустаҳкамлайди, янги демократик жамиятнинг шаклланишида давлатнинг тутган ўрни муаммоларига доир илмий-услубий тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

Академияга тингловчилар ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамият ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тузилмалари раҳбарлари орасидан қабул қилинади. Академияда ўрта бўғин бошқарув органлари мутахассислари ва раҳбарлари ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг истеъдодли вакиллари таҳсил олиши мумкин.

Тингловчилар олий ўқув юртини битиргандан сўнг камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган олий маълумотлилар сафидан танланади.

Академия қуйидаги икки факультетдан ташкил топган:

а) давлат ва жамият қурилиши;

б) бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари.

Академияда ўқитиш муддатлари:

ўқитиш — 10 ой;

қайта ўқитиш — 3 ой.

Академия тингловчилари учун хорижий илғор ўқув ва илмий марказлар, халқаро ташкилот ва фирмаларда ўқув-таништирув машғулотлари ва стажировкалар ташкил этилади.

Академиянинг 10 ойлик ўқув дастурини тўлиқ ҳажмда тугатган тингловчиларга танлаган мутахассислиги бўйича белгиланган шаклда магистр даражасидаги давлат дипломи берилади.

Академиядаги ўқишни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сафидан раҳбар лавозимлар номзодларининг резерви шаклланади. Академияни битирганлар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига қабул қилинишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Академияга тингловчиларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби академия ректори томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2. Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

3. Ҳужжатлар 16 июнгача қабул қилинади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— давлат, жамоат ёки хўжалик тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси;

— тавсия этилаётганнинг аризаси;

— олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

— сўровнома;

— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

— 086/У — шаклда тиббий маълумотнома;

— 4х6 сантиметр ҳажмидаги 4 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

4. Академия тингловчиликка номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан 16 июндан 26 июнга қадар консультациялар уюштиради.

5. Академияга кириш имтиҳонлари 26 июндан 5 июлга қадар суҳбат ва компьютер-тест синовлари орқали ўтказилади.

Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади:

давлат ва жамият қурилиши бўйича — Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод;

бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари бўйича — иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий-сиёсий мавзу ва чет тили (инглиз ва бошқа тиллар) бўйича суҳбат ўтказилади.

Суҳбат ва тест синовлари икки — ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

6. Академияга танлов қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати иштирокида амалга оширилади. Танлов суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида рейтинг усулида (таълим йўналишлари ва тиллари бўйича алоҳида-алоҳида) ўтказилади.

7. Иккинчи мутахассислик бўйича тингловчиларни ўқитиш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга таҳсил мобайнида асосий иш жойи бўйича ўқиш жойигача бориш ва қайтиб келиш йўл ҳақлари ва суткалик харажатлари тўланади ҳамда улар ўқишга йўллаган ташкилот томонидан харажати қопланадиган ётоқхона билан таъминланади.

Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади.

Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори академиянинг қабул комиссияси томонидан белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 10 июлдан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор академия ректорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар қабули уларнинг ўқиши учун белгиланган тўлов академия ҳисобига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

9. Ўқиш 2 сентябрдан бошланади.

Спорт

ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛНИ ЎРГАНИБ

• Шу кунларда Германия футбол федерацияси ҳайъати аъзоси, Гамбург минтақавий футбол бирлашмасининг президенти жаноб Фридель Гютт Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

У юртимизда профессионал футболнинг ташкилий асосларини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказади. Мамлакатимиз футболининг мутасадди мутахассислари, федерацияларнинг масъул котиблари, клуб президентлари, ҳисобчилари ва бошқалар иштирокида ҳафталик ўқув бўлади. Қатнашчилар федерация, профессионал клубларнинг асосий қоидалари, ташкилий асослар, мусобақаларни уюштириш, жамғарма ва молиявий аҳвол, ҳомийлик, спорт мактаблари тузиш, суғурта, машғулот масканлари хусусида сабоқ оладилар.

ПЕШҚАДАМЛИККА ТАЛАБГОРЛАР

• Биринчи лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг тўққизинчи тур ўйинларини ўтказишди.

Бу сафарги учрашувларда «Навбаҳор-2», «Ғиламчи», «Чилонзор», «Роҳат», «Прогресс», «Бағдод» ва «Темирйўлчи» жамоалари ғалаба қозониб, ўз ҳисобларига учтадан очко ёзишди. Маълумки, ҳозирча Навоийнинг «Зарафшон» футболчилари 23 та очко билан биринчи бўлиб туришибди. Бу жамоа навбатдаги учрашувда дуранг ўйнади. Иккинчи ўринда бораётган «Шаҳрихон» ҳам учрашувни дуранг қилиб, очколарини 20 тага етказди. Зеро, юқори ўринларга талабгор бўлиб турган «Прогресс» ва «Чилонзор» жамоалари 22 тадан очко билан мавқеларини мустаҳкамлашди. Навбатдаги тур ўйинлари шанба куни бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЯШОВЧИ 9-СИНФНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Табиий фанларга қизиқувчи, келажакда кимё ва озиқ-овқат саноатининг муҳандис-технологи бўлиб етишишни астойдил орзу қилган аълочи ўқувчиларни институт қошидаги лицейнинг 10-синфига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейга қабул қилинган ўқувчиларни институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудитория ва тажрибахоналарда чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитадилар. Шу билан бирга табиий ва тил ўргатиш фанлари бўйича тест синовларига тайёрлаб борилади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— институт ректори номига ариза,

— мактаб педагогик кенгаши тавсияномаси,

— 086 У шаклидаги тиббий маълумотнома,

— тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси,

— 3х4 ҳажмдаги 4 та сурат.

Ҳужжатлар 25 июнгача қабул қилинади.

Суҳбатлар 25 июндан 1 июлгача ўтказилади. Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади. Вилоятлардан келган ўқувчиларга институт ётоқхонасидан жой берилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 8-уй, 92-хона

ЛИЦЕЙ МАЪМУРИЯТИ ҲАМДА ИНСТИТУТ ЎҚУВ БЎЛИМИ. Тел. 56-66-85.

«Ал-Хоразмий» илмий маркази жамоаси марказ директори, физика-математика фанлари доктори Қаҳрамон Ғуломовга отаси, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси, шахсий пенсионер **Боқижон ҒУЛОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Она ва фарзанд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма маслаҳатчиси, профессор Қаҳрамон Ғуломовга падари бузруквори **Боқижон ҒУЛОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"ARÇELİK" СИЗ УЧУН АҚЛ БОВАР ҚИЛМАС ИМКОНИЯТ ЯРАТАЁТИР!

ҲЕЧ КИМ ИНСОНЛАРНИ ЭСКИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАШГА ЗЎРЛАЙ ОЛМАЙДИ!
ИНСОНЛАР ЭНГ ЯХШИСИГА ЛОЙИҚДИР!



* Текис экран
* 7 тилдаги телетекст/Фастекст
* Каналларни автоматик қидирув
* Масофадан бошқарув қурилмаси
* 100 дастурга мўлжалланган хотира
* Меню тизими
* SCART кириш уяси
* Автоматик таймер
* Автоматик ранг ростлагич
* Нормализатор

"ARÇELİK" TV — 8455 — 409,0 $
TV — 8265 — 391,6 $

ЭСКИ, ФАҚАТ ИШГА ЯРОҚЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНГИЗНИ 70 $ ГА ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ.
ИСТАСАНГИЗ ЯНГИ "ARÇELİK" СУПЕР-ТЕЛЕВИЗОРИГА АЛМАШТИРИШИНГИЗ МУМКИН!

FIRMA DEMIR

Манзил: А. Навоий кўчаси, савдо расталари, "ARÇELİK" дўкони (Марказий телеграфнинг каршиси).